



КИЧИК ҲАЖИМЛИ КЕМАЛАР ТЕХНИК ҚҮРИКДАН ЎТКАЗИЛАДИ.



Кичик ҳажмли кема деб – асосий двигателларнинг қуввати 55 кВт (75 от кучи) ва Йловчи сиғими 12 кишидан ортиқ бўлмаган ўзиорар кемалар, моторларнинг

қуввати ва сонидан қатъий назар, осма моторли кемалар, сув мотоцикллари (гидротцикллар), юк күтариш қобилияти 80 регистр тоннадан ортиқ бўлмаган ўзиормас кемалар, шишириладиган моторсиз эшкакли қайиқлар ҳисобланади.

Инспексия томонидан рўйхатдан ва техник кўрикдан ўтмаган кемалардан фойдаланиш тақиқланади. Қоидаларнинг биринчи талабига асосан, қуйидаги кемалар давлат рўйхатидан ва техник кўрикдан ўтказилиши шарт:

1. Йловчи сиғими 12 кишидан ортиқ бўлмаган ўзиорар кемалар;
- 2 Осма моторли кемалар;
3. Сув мотоцикллари (гидротцикллар);
4. Эшкакли кемалар;
5. Шишириладиган эшкакли қайиқлар.

Куйидаги техник носозликлар аниқланганда кичик ҳажмли кемалардан фойдаланишни тақиқланади:

кеманинг чўкиб кетишига бевосита таҳдид солувчи ёриқлар, тешиклар ва қопламада шикастланишлар бўлганда;

бўлинмалар, ҳаво қутилари, сузувчи блоклар йқ бўлганда ёки герметиклиги бузилганда;

рул ускуналарининг носозлигига;

двигателнинг ёқилғи идишидан, шланги ва тў'минот тизимидан ёқилғи оққанда;

двигателда сезиларли титрашлар ёки ўчириш вақтида носозлик бўлганда;

двигателнинг масофавий бошқарув тизими ишдан чиқканда;

двигател реверс-редукторининг ўз-ўзидан узилиб ёки уланиб қолиш ҳолатларида;

фарқловчи ёритиш мосламаларининг талабга жавоб бермаслиги ёки носозлигига;

кема жамламалари ва ускуналари кема билетида кўрсатилган меъёрга мувофиқ келмаганда.

Шу билан бирга, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 119-

моддасига мувофиқ, кемани вақтинча олиб қўйилиши ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида эслатиб ўтамиз.